Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 5 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 58 (7055)

Da'vat

Кимки ҳеч нарсани қизиқиб сўрамаса, ҳеч нимани ўрганмайди ҳам.

Т.ФУЛЛЕР

Ibrat

Урганч тумани С.Қаландаров номидаги жамоа хўжалиги раиси Давлатназар Ражабов ташаббуси билан хўжалик ҳисобидан ҳофиз Хоразмий номли мактабдаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари 15 минг сўмлик дарсликлар билан таъминландилар.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор «Умид» жамғармасининг йўлланмасини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, энг самимий кутловларимни изҳор этмоқчиман. Халқимиз орзу-умидларининг қаноти, бошлаган улуғ ишларимизнинг давомчилари, менинг таянчим бўлмиш ёшларнинг яна бир катта гуруҳи жаҳоннинг манаман деган билим даргоҳларига йўл олмоқдалар. Бунга сиз тинимсиз ва оқилона меҳнатингиз, юксак марралар сари ҳаракатингиз, янгиликка интилувчанлигингиз, олий мақсадларимиз йўлида хизматга отланганингиз орқали муяссар бўлдингиз.

Аминманки, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония каби илғор мамлакатларнинг обрўли ўқув юртларида таҳсил олиш, ўз билимларини янада чархлаш ниятида ёнаётган сиз ёшлар миллатимиз салоҳияти, заковати ва ғурурини ҳар жой ва ҳар қандай шароитда намоён қилишга қодирсизлар. Зеро, сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб замонамизнинг энг олди ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил.

Билингки, сизни Ватан кутади. Оқ сут бериб, эзгу умидлар билан вояга етказган ота-онангиз, ҳавас билан боқаётган ёру-биродарларингиз, бир сўз билан айтганда, бутун эл-юртимизнинг интиқ бағри сизга доимо очиқдир.

Барчангизга оқ йўл тилайман, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КЕЛАЖАК ТАЯНЧЛАРИ

«Умид» жамғармаси ёшлар учун, уларни қўллаб-қувватлаш учун тузилган. Яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида мазкур жамғарманинг 1998—1999 ўқув йили совриндорларини қутлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Муҳташам саройда асосан ёшлар. Уларнинг ота-оналари ва меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси совриндорларига йўллаган табрикномасини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев ўқиб эшиттирди.

Маълумки, ўтган ўқув йилида мамлакатимизнинг 157 нафар иқтидорли ўғил-қизлари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Япония каби ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишга муяссар бўлганди. Бу йил «Умид» жам-ғармасининг совриндори бўлган талабалар сони яна ошди, улар борадиган мамлакатлар қаторига эса Италия ҳам қўшилди. Ҳар томонлама жиддий синовлардан ўтган ва мамлакат Президентининг грантларини олишга муваффақ бўлган 300 дан ортиқ ёшлар бу йил иқтисод, ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги ва экология сингари фанлар билан бир қаторда қурилиш менежменти, тоғ иши, саноат дизайни, архитектура, рассомлик, мусиқа ва санъат мутахассисликлари

(Давоми 2-бетда)

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 26 кун қолди

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

Ҳозирги кунда касб-ҳунар таълими тизимида жами 221 минг кишини қамраб олган 442 та ўқув юрти, шу жумладан 209 та касб-ҳунар мактаби, 180 та касб-ҳунар лицейи ва 53 та бизнес-мактаб ишлаб турибди.

Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди.

Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог-ходимлар меҳнат қилмоқда.

(«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»дан)

Мамлакатимизда 1998 йил 1 сентябридан янги ташкил этилган 21 та касб-ҳунар коллежи ва 14 та академик лицейлар ўз фаолиятини бошлайди.

Пойтахтимиздаги 2-Тошкент ПБЮ янги ўқув йилида педагогик касб-ҳунар коллежига айлантирилиб, янги мақомда ўз фаолиятини бошлади.

Касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали-педагог кадрлар ва муҳандис педагог кадрлар тайёрлаш учун янги ўқув йилидан бошлаб Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ва Наманган муҳандислик педагогика институтлари базавий олий таълим муассасалари сифатида белгиланди.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика нефть ва газ саноатининг қатор корхоналари, қурилиш ташкилотлари, идораларининг алоҳида намуна кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги VII-1919-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 4 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра, 1 АҚШ доллари 101,02 сўмга тенг бўлди.

2000 йилда Россия Умумий ва касб таълими вазирлиги ўқитишнинг 12 йиллик дастурига ўтишни режалаштирмоқда.

***

Покистон ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи самолётининг Карочи атрофидаги аҳоли зич яшайдиган ҳудудга қулаб тушиши оқибатида олти киши қурбон бўлди, 25 киши жароҳатланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ СОВРИНДОРЛАРИНИНГ

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мустақил Ватанимизда бевосита Сизнинг раҳнамолигингиз остида миллат келажаги бўлган ёш авлодга беқиёс ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Мана шу эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида биз — истиқлол фарзандлари дунёнинг нуфузли илм масканларида таълим олиш бахтига муяссар бўлдик. Яратилган бундай катта имконият учун аввало, Сизга — ёшларнинг улкан мураббийсига чуқур миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Ёш, малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида шахсан Сизнинг ташаббусингиз билан «Умид» жамғармаси тузилган эди. Айни пайтда кўплаб тенгдошларимиз ана шу жамғарма йўлланмаси билан жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида ўқиб, билим олишмоқда. Энди бундай юксак шараф бизга ҳам насиб этди. Бугун Ватандан олисга йўл олаётган биз, талабалар узимизни Сизнинг фарзандингиз деб биламиз. Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмайлик, халқимизнинг буюк орзуларига, ғўзал маънавиятига содиқ бўламиз, юртимизни бутун дунёга танитиш, кенг имкониятларини кўрсатиш учун бутун куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни сафарбар этамиз.

Ватанимиз, халқимиз, ота-оналаримиз бизга катта умид, юксак ишонч билан кўз тикиб турганлигини юрак-юрагимиздан ҳис қилиб турибмиз. Шунингдек, бизнинг зиммамизга қанчалик катта масъулият юкланганини ҳам яхши англаймиз.

Биз улкан маданиятга, бой маънавиятга ва жаҳон цивилизациясига жуда катта таъсир кўрсатган халқ вакилларимиз. Биз бундан фахрланамиз. Шу билан бирга буюк аждодларимиз шон—шуҳратига, бугунги Ўзбекистон обрў—эътиборига, шахсан Сиздек мурувватли ва доно Президентимиз ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Биз замонавий илм—фан сирлари ва илғор технологияларни чуқур эгаллаб, бутун имкониятимизни жонажон юртимиз равнақи учун аямай сарфлаймиз. Айни пайтда борган жойимизда ўз истеъдодимизни, бой тафаккуримизни ҳамда боболаримизга хос ақлий ва маънавий салоҳиятимизни ҳам намоён этамиз. Халқимизнинг, Сизнинг, ота-онамизнинг олдидаги фарзандлик бурчимизни шараф билан адо этамиз, деб ишонтирамиз. Сизнинг ёшлар келажаги, бахт-саодати ҳақидаги орзу-ҳаваслaрингиз, ғояларингиз бизни доимо руҳлантириб туради, куч бағишлайди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга озод ва ҳур Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Халқимиз, навқирон авлод бахтига доимо соғ-омон бўлинг, деб чексиз ҳурмат ва фарзандлик меҳри билан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1998—1999 ўқув йили совриндорлари



Reportaj

ТЕСТ—ОРЗУ ВА ИШОНЧНИНГ УЙҒУНЛАШУВИ

1 август, шанба, одатдаги кун. Аммо қайсидир олий ўқув юртига ҳужжат топширганларнинг юраклари гурс-гурс урарди. Бу табиий ҳол. Ёшларнинг тақдирини фақат ният ҳал қилмайди, балки етарли даражадаги билим ва лаёқат ҳам керак.

Қуйида махсус мухбирларимизнинг пойтахтдаги олий ўқув юртларидан тест жараёнида тайёрлаб келган лавҳа ва мақолаларини ўқийсиз.

ШОҲБЕКАТДА

Амир Темур шоҳбекатида турсак паканагина, миқтидан келган йигитча сўраб қолди:

— Соатингиз неча бўлди?

— 7 дан 27 дақиқа ўтди.

— Бобур паркига фақат 58 автобус боради-а?

— Ҳа, бу автобус қатнови яхши, бири кетмай, бири келарди, келиб қолар,- дея далда бердик йигитга.

Сезяпмизки, унга ҳар бир дақиқа ғанимат. Ҳар тугул 58—автобусни кўп кутмадик. Манзилимиз бир бўлганлиги учун автобусга бирга чиқдик. Маълум бўлишича, ҳамроҳим Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг расм, чизмачилик ва тасвирий санъат мутахассислигига ҳужжат топширибди.

(Давоми 2-бетда)

«Ma'rifat» anketasi

ЕТТИ ЙИЛ ҲОСИЛАСИ

1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
2. Истиқлолдан сўнг таълим - тарбия соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди, деб ўйлайсиз?
3. Мустақил юртимиз ёшларининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

1.Мустақиллик бизга ҳам моддий, ҳам маънавий дунёмизга эгалик ҳуқуқини қайтиб берди. Энди муваффақиятимиз-да, камчилигимиз-да бутунича ўзимизники.

Эришаётган ҳар бир ютуғимиздан олам-олам завқ олишга қанчалик ҳақли бўлсак, йўлимизда учрайдиган ҳар турли ёмонликни йўқ қилиб ташлаш ҳам бугун ҳаммамизга шунчалик бурчга айланди.

2. Истиқлолдан кейин таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган бир қанча янгиликларнинг гувоҳи бўлдик. Янги турдаги ўқув муассасалари—гимназия, лицей, коллежлар ташкил қилинди. Таълимда рейтинг тизимини жорий этиш бошланди. Иқтидорлиларга алоҳида эътибор юзага келди. Лекин ундаги туб сифат ўзгаришлари энди Давлатимиз томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингандан кейин бошланаяпти, деб ўйлайман. Чунки унда кўп кутган, орзу қилган нарсаларимиз бор.

3. Келажакни ёшлар белгилайди. Бу ҳамма биладиган ҳақиқат. Ёшларимизнинг келажагини бугунимиз белгилаши яна бир ҳақиқат. Шундай экан, уларнинг келажагини тасаввур қилиш учун аввало бугунимизга теранроқ назар ташлашимиз кифоя. Уларга зарур билимни, тарбияни бера олаяпмизми?

Ҳар дам шу савол биз — таълим ходимларининг келажак олдида нақадар масъул эканлигимизни эслатиб тургандек бўлади.

Бевосита, ёшлар келажаги тўғрисида гапирсак, миллатимизнинг ақлий, илмий салоҳияти жуда юқори. Буни буюк аждодларимиз ҳар дақиқа эслатиб турибди.

Мурод ЧОРШАНБИЕВ,
Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 6-ўрта мактаб директори

Istiqlol farzandlari

ОЗОД ЮРТНИНГ ЭНГ ЁШ ГРОССМЕЙСТЕРИ

Халқаро гроссмейстер унвонини олиш жаҳоннинг мана-ман деган шахматчиларининг ҳам камдан-камига насиб этади. Ана шундай бахтга ёш юртдошимиз Рустам Қосимжоновнинг эришганлиги бизни қувонтиради. Нафақат озод юртимизнинг, балки Марказий Осиёнинг энг ёш гроссмейстери, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби Рустам Қосимжонов бугун «Маърифат» меҳмони.

— Рустам, аввало ўзингиз ва оилангиз тўғрисида гапириб бersangиз?

— Мен 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилганман. Отам - раҳматли физик бўлганлар. Онам химия фанлари номзоди, УзФА илмий-текшириш институтида ишлайдилар. Оилада уч фарзандмиз. Опам ва акам ТошДУнинг физика факультетини тугаллашган. Узим ҳозир шу университетнинг механика-математика факультетида 4-босқич талабасиман.

— Шахмат тошини илк дафъа қачон сургансиз?

— Шахмат уйинини 5-6 ёшимда акамдан ўрганганман. Илк рақибим ҳам акам бўлганлар. У киши 20 ёшлариға қадар Тошкент шаҳрида шахмат бўйича чемпион бўлганлар. Спорт усталигига номзодликни қўлга киритганлар.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛАЖАК ТАЯНЧЛАРИ

(Боши 1-бетда)

бўйича ҳам таълим олиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Президент гранти совриндорлари Фарҳод Жўрахонов: «Биз мамлакатимиз халқи умид билан кутаётган ёшларимиз!, деди

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломовнинг сўзида ёшлар муваффақиятидан Ватанимизнинг умиди катта экани, чет элларда ўқиш бахти ҳаммага ҳам муяссар бўлмаслиги ҳақидаги фикр бўртиб турди. «Хорижлик талабалар билан рақобатлашиб ўқийсиз, лекин улар олдида катта бир ютуғингиз бор – сизлар неча минг йиллик тарихга эга улуғ юртнинг фарзандисиз, шуни унутмасликларингиз керак», — деди вазир.

Маросимда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Хей хоним Ўзбекистоннинг иқтидорли ёшларни тайёрлаб, хорижга ўқишга юбориш борасидаги ишларига юқори баҳо берди.

Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова чет элларда ўқиш учун синовлардан муваффақиятли ўтган ёшларга Президент грантлари ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

Тантанали маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Hay'at yig'ilishida

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ: ЮТУҚ ВА САБОҚЛАР

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати мажлиси куннинг иккита долзарб масаласига ойдинлик киритиб олди. Ютуқлар сарҳисоб қилинди, камчиликлар рўйи-рост очиб ташланди ва қилинажак ишлар тўғрисида махсус қарор қабул қилинди.

Биринчи масала — «Ўқувчи-ёшларни соғломлаштиришда халқ таълими, спорт ва касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги тўғрисида» бўлди ва Фарғона вилояти мисолида бу борадаги манзара умумий хулосалар чиқаришга оз бўлса-да имконият яратди.

Соғлом авлодни шакллантиришни мақсад қилиб олганмиз. Улуғ мақсад. Уни рўёбга чиқаришнинг асосий омили эса спортни ривожлантириш. Ривожланиш суръати қандай? Фарғона вилояти мисолида нима кўринятпи?

Даставвал, хушхабарлардан бошласак. Вилоятда мавжуд 29 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 14368 нафар ўқувчи спортнинг 20 тури бўйича машғулотларда қатнашишади. Ўтган йили 496 нафар ўқувчи Республика, Марказий Осиё ва хорижда ўтказилган турли спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашишди.

Шунингдек вилоят бўйича турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Мактабгача тарбия муассасаларининг «Соғломжон - Полвонжон» спорт мусобақаси оммавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Ёзги мавсумда 150805 нафар бола лагерларда дам олди.

Лекин йиғилишда таъкидланганидек жиддий камчиликлар ҳам талайгина экан. Ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш ишида асосий манфаатдор ҳисобланган вилоят ХТБ, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, тармоқ касаба уюшма қўмитаси, спортни ривожлантириш ва оммавийлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқишмаган. «Соғлом авлод учун» ҳукумат дастурини амалга оширишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган.

Халқ таълими вазирлигининг Республика Давлат спорт қўмитаси, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси билан ҳамкорликдаги қўшма ҳайъат шу каби нуқсонларни бартараф этиш, дастурларнинг бажарилиши устидан мунтазам ва қатъий назорат олиб бориш бўйича қарор қабул қилди.

Мажлисда кўрилган иккинчи масала ҳам жуда муҳим эди. У «Ўқув йилининг якунлари ҳамда янги 1998-99 ўқув йилига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» бўлди. Сарҳисоб қилинганда, ўтган ўқув йилида таълим муассасалари фаолиятининг асосий йўналишини «Талим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқадиган вазифалар белгилаган.

«Мактабгача таълимни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган истиқбол дастури» ишлаб чиқилди.

Умумий ўрта таълимни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинаяпти. Ўтган ўқув йилида мактабларда математика, чет тиллари, биология фанларини ўқитиш самарадорлиги 1996 йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсди.

Осиё тараққиёт банки, «Сорос», «Таъсис», «Болаларни қутқаринг» халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган алоқалар таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ишлари тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Шунингдек халқаро фан олимпиадаларида иштирок этган 33 ўқувчидан 24 нафари ғолиб бўлди.

Камчиликларга келсак, мактаб ўқувчиларининг айрим фанларни ўзлаштириш бўйича сифат кўрсаткичлари анча паст.

Узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи бўлган болалар боғчаларининг қамрови доираси йилдан-йилга торайиб кетмоқда. Таълим муассасалари фаолиятининг савиясини кўп жиҳатдан белгиловчи раҳбар кадрлардан 2385 таси аттестациядан шартли равишда ўтган бўлса, 519 нафари умуман ўтолмади.

Республика халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев раислигидаги ҳайъат аъзолари томонидан қабул қилинган қарорда Бош бошқармалар, вилоят ХТБларининг камчиликларидан хулоса чиқариб фаолият юритишлари назарда тутилди.

Рустам БОЙМАТОВ

ТЕСТ–ОРЗУ ВА ИШОНЧНИНГ УЙҒУНЛАШУВИ

(Боши 1-бетда)

Манзилимизга етиб боргач, у оёғини қўлига олиб югурди...

СИНФДОШ ДИЛРАБОЛАР

Оҳорли либосдаги икки қиз оломон орасида диққатимни ўзига тортди. Қўлларида паспорт ва имтиҳон варақаси. Танишдим, иккаласининг ҳам исми Дилрабо, бирининг фамилияси Султонова, иккинчисиники Рустамова экан.

— Бекободдаги иқтисодга йўналтирилган лицейни тугатдик. Инглиз тили муаллимаси бўлиш – бизнинг орзуимиз. Тестда адолат бўлишини юрагимиз сезиб турибди! - деди қизлардан бири бийрон-бийрон сўзлаб.

— Кириб кетишларингизга ишонч борми?

— Ишонч-ку бор, аммо буни барибир вақт ҳал қилади.

Қизлар тўда орасидан 1-ўқув биноси сари сурилишди. Ичкарига 81-группа абитуриентлари чақирилмоқда эди...

ФАҚАТ КУЮНЧАКЛАР ҚОЛДИ

Университет ҳовлисига йиғилган абитуриентлар тобора сийраклашиб борарди. Соат 9 бўлмаёқ, уларнинг барчаси белгиланган аудиторияларга кириб бўлишди. Бунга қадар бўлган ҳолатлар ҳозирги дақиқалар олдида ҳеч гап эмас. Кўз, қулоқ, мия, оёқ-қўл, хуллас, тананинг ҳар бир аъзоси динг. Ҳаммасидан кўра, мияга тушадиган «юк» кўпроқ. Ортиқча ҳаракатга рухсат этилмайди. Мия ишлайди, кўз кўради, қўл ёзади, қулоқ эшитади. Бундай кезда миядаги жамики ҳужайралар ҳаракатга келади. Аудиторияларда сув қуйилгандек жимжитлик. Махсус қопдаги тест топшириқлари холис кишилар иштирокида очилди ва тарқатилди. Абитуриентларнинг тартиб-интизомини кузатувчилар гоҳ аудитория, гоҳ коридорларга чиқишар, нотўғри ҳатти - ҳаракатларнинг содир этилишига йўл қўйишмасди.

Ташқари, яъни университет ҳовлиси куюнчакларга қолди. Уларнинг аксарияти ота-оналар. Фарзанд учун улар ўзларини нималарга «қалқон» қилишмайди?

Қотмагина, дўппи кийган киши Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидан экан.

— Ўзим мактабда математикман. Қизим Гулнозадаги қизиқишни илғаб, уни обдон «пишитдим». Тестга ишончимиз катта. Худо хоҳласа, у талабалик бахтига муяссар бўлади!

Суҳбатдошимиз Тошмурод Холиқовнинг қизига омад тилаб, хайрлашдик. Илм истаб, пойтахтга олис жойдан келган қишлоқ қизининг орзулари ушалишини ким ҳам истамайди?

Ота-она, тоға, ака, опа, амма, холалар жонсарак. Уларнинг соат 9 дан 12 га қадар кутиш азобини бошдан кечиришлари ичкарида жавоб варақасини тўлғазаётган абитуриентлар учун руҳий далда...

МАСЪУЛ КОТИБ ШАРҲЛАЙДИ

Рустам Қобилов университет қабул комиссиясининг масъул котиби, педагогика фанлари номзоди, доцент. У киши қабул юзасидан бизга қўйидаги маълумотларни шарҳлаб берди.

— Университетимиз 13 та мутахассисликка йўналтирилган. Ҳар йилгидек қабул бизда қиз-ғин тус олди. Умумий режага мувофиқ, 2080 нафар талаба қабул қилиниши лозим. Уларнинг ярми давлат буюртмасига мувофиқ ва ярми тулов-контракт асосида бўлади. Жами 6777та ҳужжат қабул қилинди. Бу чакана рақам эмас. Тарих, чет тиллари, ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим методикаси, биология факультетларига даъвогарлар кўпроқ. Яъни бир ўринга 10-12 киши.

— Қабул жараёнини ташкил қилишда нималарга асосландингизлар?

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низом бизга қўлланма бўлди. Ҳужжатлар қабули тугагач, жавоб варақаларини тўлғазиш буйича 3 марта консультация ўтказилди. Бу эса абитуриентларнинг тест жараёнида хатога йўл қўймасликларига ёрдам беради.



АКСАРИЯТ АБИТУРИЕНТЛАР ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИДИР

«Қушини кучли мамлакат бой бўлур. Бой мамлакатнинг қўшини кучли бўлур»

Тошкент олий умумқўшин командирлари ўқув юртининг 1-ўқув корпуси эшигидан кираётганимизда, биздан бир қадам олдинда кетаётган икки ўспириннинг юқоридаги сўзи диққатимизни тортди. Улар эшик рўпарасида осилган соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг юқоридаги сўзларини қандайдир ғурур, ички бир ифтихор билан ўқиётган эдилар.

— Илоҳим, шу ерларда ўқиш бизга ҳам насиб этсинда.

— Юрсанг-чи тезроқ, ҳозир бошланиб қолади!

Улар билан танишишга улгуролмай қолдик. Чунки бу пайтда тест синовлари бошланишига бор-йўғи беш дақиқа қолган эди. Лекин шуни англадикки, бу даргоҳ минглаб абитуриентларни худди шундай ифтихор-ла ўзига чорларди.

«Ҳар бир мутахассиснинг кучи ўз халқига ва Ватанига содиқлигидадир». «Мустақил Ватан ҳимоячиси бўлиш юксак шараф ва мажбуриятдир». Тест синовлари ўтказиладиган хоналар томон борар эканмиз, узун йўлак бўйлаб осилган шиорларни, ҳарбий касбни улуғловчи сўзларни негадир қолдирмасдан ўқигимиз келарди. Бу ерда ҳарбийларга хос тартиб-интизом эшикдан киришданоқ сезилиб турарди. «Тиқ» этган ортиқча товуш эшитилмайди. Хоналар алоҳида рақамланиб, гуруҳлар рўйхати ўша хона эшикларига осиб қўйилган. Ҳеч қандай тушунмовчилик, ортиқча гап-сўз йўқ.

Абитуриентларга Давлат тест марказининг тест саволлари ва жавоб варақалари тарқатилди. Масъулиятли дамлар бошланди. Абитуриентлар ўзларининг бўлажак ҳарбий эканликларини ҳис қилган ҳолда қандайдир бир қатъият ва синчковлик билан жавобларни белгилашга киришиб кетдилар.

Уларнинг касбга қобилиятини аниқловчи имтиҳонлардан муваффақият билан ўтганликлари ҳам алоҳида синов бўлган эди.

Шуни ҳам қувонч билан таъкидлаш жоизки, Тошкент олий умумқўшин командирлари ўқув юртининг ҳарбий мутахассислар, разведкачилар, шахсий таркиб билан ишловчи командирлар ёрдамчилари, қурилиш муҳандислари факультетлари бу йилги бўлажак талабаларининг ақсарияти ўзбек йигитларидир. Уларга Ватанни қўриқлашдек, халққа посбон бўлишдек бахтга муяссар бўлишларини тилаб қоламиз.

«ШПАРГАЛКАГА СУЯНГАН ЙИҚИЛАДИ»

Тест синовлари арафасида жойларда «вариантларнинг калити чиққан эмиш», деган миш-миш тарқалди. Биз — журналистлар тест саволларининг тайёрланиши, сараланиши ва абитуриентларга тарқатилишигача бўлган жараён ва унинг холис ва сирли даражада кечишини билсак-да, бу узун-қулоқ гаплар қўнглимизга ғулғула солди. Шу боис кичкина журналистик текширув олиб бордик. «Калит», деб кутариб юрган бир парча қоғозни синчиклаб кузата бошладик. Бир қаторга 4-5 та кичик ҳарфлар ва сўнгида катта ҳарф билан А деб ёзиб қўйилган. «Калит»нинг «сири»ни биттаси тушунтиргандек бўлди: «Ахборотнома»да берилган саволлар матнидаги сўзларнинг бош ҳарфлари сирнинг асосини ташкил этиб, натижага эса бош ҳарф билан тўғри жавоб кўрсатилар экан. Шундан сўнг биз ўйланиб қолдик.Негаки, «Ахборотнома»даги саволлар ҳали неча бир чиғириқ (апробация)дан ўтиб, сўнгра тест базасига киритилади. Демак, қайси савол, қандай ҳолда киритилгани маълум бўлмагач, бу «калит» эмас (аслида тестнинг ҳақиқий калити абитуриентнинг билими, дея минг бор таъкидлаганмиз), «анъанавий шпаргалка»нинг «замонавий» тури, дея хулоса ясашимизга асос бор. Кузатувимизни шу ерда тўхтатиб қўймадиқда, бу йил тест синовлари жараёнида қанча абитуриент «шпаргалка» билан қўлга тушиб, аудиториядан чиқариб юборилганлиги билан қизиқдик. Бизга Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳитдинов бу йил юздан ортиқ абитуриент «шпаргалка» билан ушланганлигини, улар жазо тариқасида тест синовларига қатнашишдан маҳрум этилганлигини алоҳида таъкидлади:

— Ҳар жойда, ҳар қачон биз тест синовларида «шпаргалка» номаъқул йўл эканлигини такрор-такрор айтишимизга қарамай бу ҳолнинг бу йил ҳам такрорланганлиги ачинарли. Ахир эзгу ишга сохтагарчиликнинг аралашуви яхши натижа бермайди-ку. Сиз юқорида таъриф этган «шпаргалка»нинг ҳам фойдаси йўқлигини, унинг «тўғрилик даражаси»ни йўққа чиқаришни ҳам назарда тутдик, яъни «Ахборотнома»даги саволлар матнини мазмунини сақлаган ҳолда қисман таҳрир қилдик. Шундай бўлгач, шпаргалкага суянган охир-оқибатда барибир «йиқилиши» тайин.

СЎНГГИ СЎЗ

Соат 12.00. Белгиланган вақтнинг ниҳояси. Абитурентлар жавоб варақаларини топширишиб, аудиторияларни тарк этишди. Елкалардан улкан тоғ ағдарилди. Қайси томонга, ҳали маълум эмас. Бу бир неча ҳафталардан сўнг ойдинлашади.

Абдусамат РАҲИМОВ,
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Зубайда УСМОНОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари

Суратларда: олий ўқув юртларида бўлиб ўтган тест жараёнларидан лавҳалар акс этган.

Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

ЁЗДА ҚИШНИ ЎЙЛАСАНГ...

...Бир пайт андоғ бўрон бошланибдики, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик қилмаган, тану-сиҳатини муҳофаза этгувчи манзилини таъмирламаган шўрлик ниначи бу ҳолатдан бағоят мутаассир бўлибди. ..

Қиссадан тўғри хулоса чиқарган Тошкентдаги Республика мусиқа мактаб-интернати жамоаси бугунданоқ биноларини бинойидек таъмирлаб қўйишган экан.

Дарвоқе, Халқ таълими вазирлигида ташкил этилган таълим муассасаларининг янги ўқув йилига, кузги-қишки мавсумга тайёргарлигини назорат қилиш штабининг навбатдаги рейди худди ана шу мусиқа мактаб-интернатидан бошланди. Сирасини айтганда, мактабнинг ўқув бинолари ётоқхоналари янги ўқув йилига, қишки мавсумга тай... йўқ, яна бир озгина меҳнат талаб қилади. Ҳозирча биноларнинг ички пардозлаш юмушлари ниҳояланган. Бундан ташқари мактаб учун қишга керакли буюмларнинг барчаси ҳозирлаб қўйилган.

Рейд давомида мазкур мактаб-интернатининг янада кўнгилдагидек таъмирланиши учун маблағ ажратишга келишиб олинди. Бу маблағ ўқув биносининг томига, эшик,дераза, доскалар бўёғига сарф этиладиган бўлди.

Шундан сўнг Республика халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигидаги штаб пойтахтимиздаги яна бир илм даргоҳи— респлан бажарган таъмирлаш ишларини кўриб, дилингиз ёришади. Айниқса, лицейнинг «Маънавият ва маърифат» хоналари, дам олиш хоналари ўқувчиларга мунтазир турибди.

Энди мавзудан бир қадам чекиниб, бўлса-да публика ҳарбий лицейига боришди. Бу ерда ҳам лицей жамоаси ўз кучи билан бошқа бир фикрни ўртоқлашмоқчимиз. Биз ушбу лицей биноларини кузатар эканмиз, деворлардаги турли-туман ўқув кўргазмаларига, ҳаётий лавҳаларга кўзимиз тушди. Бу яхши албатта. Фақат бу қувончларимиз бусбутун бўлиши учун деворлардаги ёзувлар тўғри ёзилиши керак эди. Афсуски, шундоқ эмас экан. Ҳозирча бу ёзувларни аниқ мисоллар билан келтиришга эҳтиёж йўқ. Шу важдан бу масалада батафсил тўхталмаймизда, фақат бир гапни айтишни лозим топамиз. Ҳарбийлар ҳам тўғри ёзишни билишлари шарт.

Дарҳақиқат, ҳар иккала илм даргоҳи ҳам кузги-қишки мавсумга яхши тараддуд жараёнида. Бу жараён эса халқимизнинг жайдари бир фалсафасини эсга солади. Яъни «Қиш ғамини ёзда е».

Алишер НАЗАР

XABARLARI — MMM

TADBIRKOR O'QITUVCHI

Shahrixon tumanidagi 29-maktab qoshida o'quvchilar libosi tikishga moslashtirilgan «Odina» firmasi tashkil etildi. Mehnat ta'limi muallimasi Odinaxon Otaxonova tashkil etgan bu firmada yangi o'quv yili uchun bejirim liboslar tayyorlanmoqda.

A.SOLIYEV

MAZZA

«Sharq» nashriyot-matbaa konserniga qarashli bolalarni sog'lomlashtirish oromgohida dam olayotganlar mazza qilishayapti.

Chunki oromgoh tabiatning mo'jaz maskanlaridan biri Burchmullaning eng so'lim yerida joylashgan.

Bu yil shunday quvonch konsern ishchi - xizmatchilarining 1000 dan ziyod farzandlariga nasib etdi.

O'z muxbirimiz

BIRINCHI BO'LISHDI

M.Mustafoyev nomidagi maktab jamoasi yangi o'quv yilini kutib olishga Bahoriston tumanida birinchi bo'lib har taraflama shay bo'lishdi. Maktabning sinfxonalari sifatli ta'mirlangan.

Bunday yutuqqa, albatta, maktab jamoasi, otaliq tashkilotlar va ota-onalarning ahilligi va jonbozligi sabab bo'ldi.

A.QILICHEV

DAM OLISH ZO'R BO'LDI

Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Asaka tuman qo'mitasi xalq ta'limi xodimlarining yozgi dam olishiga katta ahamiyat bermoqda.

Ko'pchilik qatori tumandagi 51 ta maktab direktorlari ham qo'mita yordami bilan Namangandagi Ko'ksaroy oromgohida hordiq chiqarib qaytishdi.

Sh.KELDIYEV

MMM — XABARLARI

ISH QIZG'IN

Yangi o'quv yili arafasida «Bilim» nashriyotida ish qizg'in. Qoraqalpog'iston Xalq ta'limi vasirligining buyurtmasiga asosan hozirgacha 60 nomdagi 3 million nusxaga yaqin darsliklar kitob do'konlariga yetkazib berilmoqda.

A.RAHMON

Talaba va davr

ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛГИМ КЕЛАДИ...

Болалигимдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Мурғак тасаввуримда уларнинг оппоқ кийимларида кишилар дардига малҳам бўлувчи юпанч, аллақандай сир бордек туюларди. Катта бўлсаму қачонлардир мен ҳам шундай оқ халат кийиб, кўзингизга жовдираб тикилиб турадиган беморнинг дардчил танига шифо бўлишни ўйласам, ҳаяжондан энтикиб кетардим. Ўз орзуимга етишмоқ мақсадида Каттақўрғон тиббиёт билим юртига ўқишга кирдим. Бу ерда мен каби яхши ният ила билим олаётганлар жуда кўп экан. Бугунги кунда бу билим юртида 1170 нафар талаба таҳсил олмоқда. Билим юрти раҳбари Бахтиёр ака Салоҳиддинов жуда ажойиб инсон. Уларнинг жонкуярликлари билан билим юртида қисқа муддатда ўқувчи ўринлари 300 тага кенгайтирилди,ўқув хоналари қайта таъмирланди ва талаб даражасида жиҳозланди, компьютер хоналари ташкил этилди ҳамда модулли ўқитишнинг рейтинг тизимига ўтилди. Авваллари доялик ва умумий ҳамширалик бўлимларига 60 нафар талаба қабул қилинар эди.

Билим юртимизни ҳозирга қадар 7977 нафар ҳамшира тугатган. Шулардан кўпчилиги республикамиз шифохоналарида, ҳамдўстлик мамлакатларида, шунингдек , Америка, Исроил, Канада ва бошқа Европа давлатларида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Масалан, билим юртининг собиқ талабаларидан бири Д.Нуруллаева — шаҳар бирлашган шифохонасида бош врач ўринбосари, олий тоифали терапевт, яна бири Шарофат Қиличева — шаҳар шифохонасида терапевт, шу билан бирга билим юртида ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар. Раҳима опа Холова эса, 1969 йили доялик бўлимини тугатиб, Самарқанд тиббий олийгоҳига ўқишга кирганлар ва ҳозирда шаҳар туғруқхонасида врач-гинеколог бўлиб ишлайдилар.

Мен улар билан фахрланаман. Улар каби оқ халат кийишга лойиқ шифокор бўлиб етишишни хоҳлайман.

Умуман олганда, бизнинг билим юртимизда ана шундай шифокорларнинг етишиб чиқиши учун яхши саъй-ҳаракатлар қилинади. Билим юртида талабаларга чуқур билим бериш билан бирга, уларнинг маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, меҳнат ва нафосат тарбиясига алоҳида эътибор берилади.

Яхши ният, ярим мол дейдилар. Билим юртини тугатгач, албатта мен ҳам одамлар дардига малҳам бўла оладиган шифокор бўламан.

Марҳабо АБДУЛЛАЕВА,
Қаттақўрғон шаҳар тиббиёт билим юрти талабаси

O'zbekiston — Qozog'iston

ИККИ ХАЛҚ ЎҒЛОНИ

Сабза баҳорнинг қуёшли кунлари Самарқанднинг Кўшробот туманида Сапарбой ота билан Хайитгул шеша хонадонига Аллоҳ Таоло фарзанд ҳадя этди. Унга Исроил деб исм қўйдилар. Гўдак кун сайин ўсди, от миниб улғаяберди. Бошланғич маълумотни у туғилган қишлоғи Қизил Чорвада, маълумотни Еттисойда, олий маълумотни Олма - Отада олди.

Маълум бўлишича, Исроилнинг ота-оналари 30-йиллардаги очарчиликдан қутилиш мақсадида Қозоғистоннинг уч қишлоқ аҳолиси билан бирга Узбекистон диёрига кўчиб келиб, жон сақлашган экан.

Исроилнинг ҳаёт йўли миллион-миллион оддий туркистонликларнинг турмуш тарзига қиёслидир. Ўн беш йилдан кўпроқ билим даргоҳида бўлди. 1969 йил ёзида Чимкент педагогика институтининг филология факультетини тамомлаб, «Жанубий Қозоғистон» газетасида ишлади. Тинимсиз ижод қилди. Баракали ижоди туфайли уни эл таниди, шу боис Қозоғистон ёзувчилар уюшмасининг вилоятлараро Чимкент Кенгашига раҳбарлик қилди.

Унинг биринчи шеъри Она Ватан ва устозларини мадҳ этувчи шеър бўлиб, 60-йилларда ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида Еттисой туман газетасида эълон қилинди.

Исроил Сапарбойнинг биринчи шеърий тўплами «Оққуш-армон» (Аққу-Арман) 1962 йилда босмадан чиқди. Шундан кейинги даврда, «Ёрқин умр», «Ранг-баранг дунё», «Юрагимга уя солган қалдирғоч», «Ғул-асил», «Ишқ тили», «Бошмолдоқдек бахт» каби ўнлаб шеърий китоблари чоп этилди.

Қозоқ шеъриятини меҳру эътибор билан кўздан кечирган китобхон ўзини улкан ва зебо бир хазина бағрида ҳис этади. Турли-туман рангу оҳанглар, тафаккур ва тасаввур ҳосиласи бўлмиш бой, кўркам шеъриятлари борлиги дилларни қувонтиради.

Шундай шоирлар қаторида катта ҳаёт йўлини утаб келаётган камтарин ва одобли инсон, ўзига хос ёрқин истеъдод соҳиби Исроил Сапарбойни кўрамиз.

Маънавиятимизнинг порлоқ юлдузларидан бири А.Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида одоб ҳақида бундай ҳикматли сўзларни битган эди:

«Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халойиқ учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир...

Одобли, гўзал хулқли одамлар кўпаяверса халқ, одамларнинг дўстлиги, меҳр-оқибати борган сари ривож топади».

Исроил ўз ҳаётий тажрибаси, ўз дунёқараши, ўз маҳорати даражасидан келиб чиқиб «ўз сўзи»ни айта олган шоир.

У киши деярли қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида кўпдан-кўп шеърий китоблар, достонлар, драматик ва мусиқий асарлар яратиб икки қардош халққа, Қозоғистон ва Узбекистон диёрига бўлган чексиз меҳру садоқатини ифода этиб келмоқда.

Исроил икки халқ тақдирини ўйлаб яшайди. Туғилган тупроққа мухаббат, унинг фикри ва қадри, эрки ва мақтови унинг асарларида жаранглаб туради.

У ўзининг йигитлик кучи ва истеъдодини она юртига, ҳаёт тажрибасини жонажон қозоқ халқига бағишлаб келмоқда. У кўп йиллар давомида «Учқун» («Жалин»), «Ёзувчи» нашриётларида, «Қозоқтелефильм»да ҳамда «Қозоқ адабиёти» газеталарида баракали меҳнат қилди ва халқ эътиборини қозонди.

Шу пайтларда «Қишлоқдан келган гўзал қиз», «Амир Темур» ва бошқа бир қанча поэтик драма ва бошқа асарлари китоб бўлиб чиқди.

Булар ичида «Амир Темур» драмаси Тошкентда Соҳибқиронинг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро театр-фестивалида фахрли иккинчи ўринни (Биринчи ўрин ҳеч кимга берилмади) эгаллади..

Шоирнинг «Кўзимнинг қорачиғи» асари эса улуғ Абайнинг 150 йиллигига бағишлаб ўтказилган танловда лауреат номини олган ягона драматик асар бўлди.

Исроил Сапарбой мусиқани жон-дилдан ардоқлайди. Шу боис 60 га яқин мусиқали асар (сўзи билан мусиқаси ўзиники) ва 300 га яқин мусиқий асарларга матн ёзган.

Исроил таржимон сифатида ҳам халқимизнинг меҳрини қозонган. Амир Темурнинг «Темур тузуклари»ни, Умар Хайёмнинг «Наврўзномаси»ни, Луқмони Ҳакимнинг ҳикоя, латифа ва афсоналарини ўзбек тилидан қозоқ тилига таржима қилди.

Шунингдек, замондош ўзбек шоирлари Зулфия, Миртемир, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Абдулла Шер, Хуршид Даврон ва бошқа шоирларнинг шеърий тўпламларини қозоқ тилига ўгириб, ўқувчиларга етказди.

Насрда эса Қозоғистон республикаси халқаро тинчлик мукофоти лауреати, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи Носир Фозиловнинг «Тошкент носи» номли юмористик ҳангомаларини таржима қилган. Бугунги кунда Имом Ал Бухорийнинг «Ҳадис»ларини ўзбек тилидан қозоқ тилига таржима қилмоқда.

Қозоғистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Исроил Сапарбой туркий халқлар поэзияси фестивалининг ҳамда халқаро Жамбул мукофотининг лауреати ҳамдир. Мухтор Авезовнинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика мушоирасида ҳам қатнашиб Исроил биринчи ўринни эгаллаган.

Шоирнинг меҳнатини эътироф этган чимкентликлар Исроилни ўз шаҳрининг «Ҳурматли фуқароси» деган фахрий унвон берди.

У кундалик иш фаолияти, ижодий меҳнати билан она диёри мустақиллигини тўлиб-тошиб куйлайди, дунёга юз очган Қозоғистонни, асрий орзулари амалга ошган улуғ халқини эътиқод билан тараннум этади.

Жорий йилда «Самарқанднинг кўк тоши», «Тор кўрпадаги гавда» номли шеърий тўплами нашрдан чиқиш арафасида.

Исроил Сапарбой оилада меҳрибон ота, садоқатли умрдош. Фарзандлари эл хизматида. Тунғич қизи Жанархон Олма-Ота давлат консерваторияси ва хотин-кизлар педагогика институтини тугатиб, талабаларга мусиқадан дарс бермоқда. Ўртанча ўғли Нурлан Туркиянинг Измир университетида ўқишни тугаллаб, турк тили бўйича таржимонлик қилмоқда. Кенжа ўғли Эркабулан консерваториянинг иккинчи курсида ўқийди.

Бу оиладаги барча ишларнинг муваффақиятлар гарови – хонадон соҳиби Жупар аянинг эрига ва фарзандларига ҳамиша меҳр-мурувватда эканлигидан далолат бериб турибди.

Назаримда, Исроилнинг ўзи ҳам катта бир қирга ўхшайди. Унинг усик қошлари, ўткир нигоҳли кўзлари, пирпираб турувчи киприклари, беаёв йилларни ялаб ўтган бироз салқи юзлари, тақдир чизиқлари бўлмиш ажинлар тушаётган кенг пешонаси, бироз гердайган ўктам гавдаси менга ғайритабиий бўлиб туюлади. Қирлар ер сатҳидан бир поғона юқорироқ бўлади. Исроил Сапарбой ҳам бошқалардан нимаси биландир юксакроқ баландроқ эди. Эҳтимол, танлаган касбини эъзозлагани, қозоқ ва ўзбек халқини жон-дилдан севгани биландир.

Тўхтасин Ғани ҳожи ўғли,
«Ўзбекистон-Қозоғистон» дўстлик жамияти ижрочи директори

Bolangizga darslik oldingizmi?

ЭЗГУ ИШ

Юртбошимиз томонидан бу йилнинг «Оила йили» дея эълон қилиниши жойларда бир қанча эзгу ва хайрли ишларга йўл очиб берди. Зеро, азал - азалдан халқимиз орасида меҳр - оқибат, саховат, эзгулик туйғулари шаклланиб келганлиги ҳақиқат.

Маълумки жойларда Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори самарали бажарилмоқда. Негаки, ёш авлодга, эртанги кунимиз давомчиларига эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Буни яхши англаган «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 9-вакиллик жамоаси Когон шаҳридаги 8-сон мактабнинг, Бухоро 1-шоҳбекати маъмурияти эса шаҳардаги 10-сон мактабининг кам таъминланган оилалари болаларини бепул дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш ишларини бажардилар.

Когон шаҳар ҳокими Ж. Ҳакимов мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаш маъносида ажойиб бир қарор қабул қилди. Қарорда кўзда тутилишича, шаҳардаги барча корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ўз жамоаларида ушбу эзгу ишни кўриб чиқиб, бу борада кам таъминланган оилалар фарзандларига имкон қадар ёрдам беришлари лозим. Ҳа, эзгуликнинг эртаси кечи бўлмайди. Фарзандларимизни ақлан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш йўлида қилинган ҳар қандай хайрли иш мустақил мамлакатимиз пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мисриддин МАЪМУРОВ
Бухоро вилояти

ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТЎЛА ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Сир эмас, таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишлари мазмунини яхшилаш, унинг самарадорлигини оширишда дарсликлар, ўқув адабиётлари асосий ўрин эгаллайди.

Бизда ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида мактаб ўқувчилари дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан бепул таъминланиб келинди. Тўғрисини айтиш керак, ушбу сахийликнинг айрим ижобий томонларидан кўра, салбий жиҳатлари кўп эди. Дасрликлардан пала-партиш фойдаланиш оқибатида улар тез эскирар, фойдаланиш муддати икки-уч йилдан ошмасди. Ўқувчиларнинг дарсликка муносабатини тарбиялашда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. «Китоб давлатники, йиртилса янгисини беради» қабилидаги тушунча кўпчиликнинг онгига сингиб қолиб, дарсликка бефарқлик кучайди. «Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр» деганларидек, кўп ҳолларда ўқув адабиётларини асраб-авайлаш ишларига юзаки қараш натижасида миллионлаб давлат маблағи ўккка совурилди.

Дарслик муаллифлари меҳнатини етарли рағбатлантирмаслик, нашр жараёнидаги ўринсиз иқтисод қилиб қолишлар ана шу китобларнинг сифати ва мазмунига қўйилган талабларни бажаришга тўсқинлик қилди. Буларнинг барчаси пировард натижада таълим мазмуни ва самарадорлигини таъминлашга ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Айни пайтда мактаб ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашда амал қилаётган бу тизим эскирганлиги, ўз умрини яшаб бўлганлиги равшан бўлди. Қолаверса, мазкур тизим бозор иқтисодиёти муносабатлари жараёнига тобора чуқурроқ кириб бораётган мамлакатимиз иқтисодий тамойилларига мос келмай қолди. Қисқаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сифати, мазмунини яхшилаш, китобларни нашр этишнинг санитария-гигиена ва матбаа ўлчамларига риоя этилиши, ўқувчиларнинг ёшига мос келишини мувофиқлаштириш ишини ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашнинг пуллик шаклини жорий этмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шунинг учун ҳам кенг жамоатчилик ва мутахассислар Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат деб баҳоламоқдалар.

Республика ҳукуматининг мазкур қарорига асосан 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб ўрта умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилди. Айни пайтда умумий таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб - интернатларнинг ўқувчилари бундан кейин ҳам дарсликлар билан бепул таъминланадилар.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ушбу янги шакли алоҳида диққат-эътибор талаб этадиган йўналиш бўлиб, нашриётлар, китоб савдоси идораларидан, биринчи галда таълим муассасалари мутахассисларидан бу масалани оқилона ҳал этишда пухта тайёргарлик, катта сафарбарлик ва масъулликни талаб этади. Шу боис, мазкур қарор қабул қилинган кунларданоқ вазирлигимизда бу борада яқин кунларда бажарилиши зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди ҳамда ишни аниқ режа ва тадбирлар асосида ташкил этиш йўлга қўйилди.

Ана шу мақсадда барча дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва мезонлар ишлаб чиқилиб, уларни қатъий буюртмалар, шартномалар асосида яратиш ва чоп этиш, амалда қўлланилаётган дарсликлар, ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш ишлари ниҳоясига етказилди. Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда дарсликлар мажмуининг нашр сифатини яхшилаш, уларнинг санитария-гигиена ва матбаа ўлчовларига мос келишини таъминлайдиган норматив ҳужжатлар тайёрланиб, амалга киритилди.

Халқ таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимларида ҳукуматимизнинг мазкур қарори моҳиятини ота-оналар, педагоглар, кенг жамоатчилик ўртасида кенг тушунтириш, янги ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар ва қўлланмалар билан таъминлашга йўналтирилган тадбирларни аниқ, пухта, таъсирчан амалга ошириш ишларига алоҳида аҳамият берилаяпти.

Маълумки, ҳар қандай масалани атрофлича таҳлил қилмасдан, чуқур асосланган аниқ режаларга эга бўлмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Шу боис биз республикамиз мактабларида таълим олаётган ўқувчилар сони,мактаб кутубхоналари заҳирасидаги ҳали фойдаланса бўладиган дарсликлар миқдори, ҳукумат қарори асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан бепул таъминланган ўқувчилар ҳамда пировард натижада мактаблар ўқувчилари учун неча номда ва неча нусхада дарсликлар керак бўлиши сингари яна кўплаб муҳим масалаларга аниқлик киритадиган таҳлилий ҳисоб-китоблар ишлаб чиқдик. Ҳаракат дастури эса ана шу таҳлил хулосаларига қараб белгиланди. Маълум бўлишича, бу йил 1 сентябрда 5,6 миллион нафар ўқувчи мактабга келади, улар учун эса жами 77,5 млн. нусхадан ортиқ дарсликлар лозим бўлади.

Бугунги кунда республикамиз мактабларида дарсликлар харид қилишда моддий ёрдам берилиши зарур бўлган салкам 1 млн.600 минг нафар кам таъминланган оилаларнинг болалари ўқийди. Мактаблар кутубхоналари жамғармасидаги дарсликларнинг инвентаризация натижалари шуни кўрсатдики, уларда 1998-1999 ўқув йилида ҳам фойдаланишга тўла яроқли бўлган 35,1 млн. нусхадаги дарсликлар мавжуд. Бу эса кам таъминланган оилалардан мактабга чиқадиган 74 фоиз ўқувчиларни дарсликлар билан бепул таъминлаш имконини беради. Демак, қолган 26 фоиз ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда моддий ёрдам ташкил этиш керак. Бу ўқувчилар асосан 4—5-синфлар ўқувчилари бўлиб, улар янги ўқув йилидан бошлаб лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосида билим оладилар. Бундай алифбода чоп этилган дарсликлар мактаб кутубхоналари заҳирасида мавжуд эмас. Шу ва шунга ўхшаш бошқа синфлардаги мактаб кутубхонаси жамғармасида йўқ бўлган дарсликлар билан кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар харид қилиш учун эса 400 млн.сўмдан ортиқроқ маблағ зарур бўлади. Вазирлигимизда ташкил этилган штаб аъзолари ана шу маблағни топишда ҳомийлар ёрдамига ҳам умид боғлашаяпти. Зотан, мактаб ҳар қандай давр, ҳар қандай тузумда ҳам ижтимоий қўллаб-қувватлаб келинган. Биз ана шундай умид билан 300 дан ортиқ иқтисодий бақувват вазирликлар, ташкилотлар, идоралар, бирлашмалар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, нодавлат ташкилотлари, жамғармалар, фирмалар ва алоҳида тадбиркорларга хат билан мурожаат қилдик. Уларнинг инсонпарварлик ёрдамларини амалга оширишларида қулайлик яратиш мақсадида вазирликнинг банкда махсус ҳисоб рақами (Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳисоб рақами 20204000000101044001 Тошкент шаҳар, уй-жой қурилиш банкининг «Меҳнат» бўлими, банк коди 00423) ҳам очилди. Қувонарлиси, бугунги кунда мазкур ҳисоб рақамига дастлабки маблағлар келиб тушмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳомийлик ёрдамини ташкил этиш бўйича республикамиздаги барча вилоят ҳокимликларининг, мутлоқ кўпчилик туман (шаҳар) ҳокимларининг алоҳида қарорлари қабул қилинди.

Таълим муассасаларининг кам таъминланган оилалар фарзандларига китоб харид қилишда ҳомийлик қилиш бўйича таклифига кўплаб идоралар амалий ёрдам билан жавоб бераяпти. Хусусан, «Ўздавлатпахтасаноатсотиш» уюшмаси (раиси Эрқул Зикриёев) беш млн.сўм, Узбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (раиси Тўлқин Шоёқубов) ва «Таълим таъминот» Бош бошқармаси (бошлиғи Баҳодиржон Ҳамидов) юқоридаги ҳисоб рақамига бир миллион сўмдан пул ўтказдилар. Наманган вилояти «Нуроний» жамғармаси эса 10 млн.сўмлик дарсликларни китоб савдоси идорасидан сотиб олиб, Наманган туманининг олис қишлоқлари мактабларига юборди. Сирдарё вилоятида кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳомийларнинг марказлашган жамғармаси ташкил этилди ва дастлабки кунданоқ унга 4 миллион сўмга яқин маблағ келиб тушди.

Жиззах вилоятида эса барча мактабларга дарсликлар сотиб олиши учун ҳомий ташкилотлар бириктирилиб қўйилганлиги, айниқса, диққатга сазовор. Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» автомобиль заводи ўзининг 2800 нафар ходими фарзандларига дарсликлар сотиб олиб берадиган бўлди. Фарғона вилояти туманларида кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар сотиб олиш учун маблағ ўтказиш кунлари ташкил қилинаяпти. Биргина Охунбобоев туманида ана шундай тадбир чоғида 2 млн. сўмдан зиёдроқ пул тўпланди. Умуман, бундай ибратли ташаббуслар тўғрисида яна ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Бу эса юртимиздаги кўплаб ташкилот ва идоралар ҳам ёш авлод камолига бефарқ қарамаётганлигидан далолат беради.

Ишимизнинг яна бир йўналиши дарсликларни сотишда китоб савдоси идоралари билан узвий ҳамкорлик қилиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Шу мақсадда республикамизнинг барча шаҳарларида, туман марказларида, қишлоқ гузарларида дарсликлар ва ўқувчилар формалари билан савдо қиладиган бозорлар ташкил қилинмоқда. 5 мингта яқин қишлоқ мактабларида эса кутубхоначилар томонидан ҳам китоб савдоси ташкил этилди. Шунингдек, бу иш билан тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳам шуғулланишмоқда.

Республикамизда рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида таълим бериладиган жами 1906 мактаб мавжуд, уларда 725 минг нафар ўқувчи билим олади. Биз бу мактабларда таълим олаётган ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширмоқдамиз. Яқинда Россия Федерациясидаги «Просвешение» нашриёти рус тилида чоп этилган 80 минг нусхадаги дарсликларни мамлакатимиз ўқувчиларига совға қилди. Лекин бу етарли эмас, албатта. Шу боис, бугунги кунда биз Россиянинг «Дрофа» нашриёти билан дарсликлар харид қилиш бўйича музокаралар олиб бормоқдамиз. Бироқ, очиғи, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларни дарсликлар билан тўла таъминлашнинг энг мақбул йўли — узбек тилидаги дарсликларни таржима қилиб жойларга етказиб беришдир.

Илгари қўшни республикалардан дарсликлар бартер асосида келтирилар эди. Яқин келажакда эса бундай усулдаги таъминотга чек қўйилади. Чунки эндиликда бундай дарсликлар бизнинг миллий мафкурамизга мос келмаслиги билан бирга, уларнинг нархларида ҳам бизда нашр этилаётган дарсликларга нисбатан катта тафовут бор. Масалан, бир дона биринчи синф математика ёзув дафтарининг бизда нархи 30 сўм бўлса, унинг қирғиз тилидаги нусхасининг нархи эса 340 сўмни ташкил этади. Шу боис биз ўзбек тилидаги дарсликларни бошқа тилларга таржима қилиб, уларни чоп этиш бўйича «Ўқитувчи», «Шарқ», «Билим», «Узбекистон» нашриётларига буюртмалар бердик. Бирикки йилдан кейин биз таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларини ўз тилларида дарсликлар билан тўла таъминлашни йўлга қўямиз. Таъбир жоиз бўлса, ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашда ҳам мустақилликка эришамиз.

Олдимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Дарсликларнинг сотилиши уларнинг тезроқ нашрдан чиқарилишига ҳам боғлиқ. Нашр режалари эса айрим дарсликларни чоп этиш бўйича 31,5 фоизга бажарилган. Аммо умумий ҳисобда эҳтиёждаги дарсликларни чоп этиш режаси 58 фоиз атрофида бажарилди, холос. 4 ва 5-синфлар дарсликларини чоп этиш режаси 54 фоизга уддаланган. Ваҳоланки, уни бу синф ўқувчилари жорий ўқув йилидан бошлаб лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосида ўқийдилар. Бинобарин, улар учун дарсликлар мактаблар кутубхоналари жамғармасида ҳали умуман йўқ.

Назаримда, нашриётлар, таълим муассасалари, китоб савдоси идоралари ҳамкорликда фаолият кўрсатсаларгина бу соҳада ютуққа эришиш мумкин. Биз ана шу ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлидан борамиз. Таълим муассасаларида янги ўқув йилининг бошланишига бир ой вақт қолди. Олдимизда эса ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Нашриётлар, китоб савдоси идоралари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 20 августигача республикамиздаги барча мактаб ўқувчилари дарсликлар билан тўла таъминланади, деб ишонамиз. Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли бажариб, жамият олдида юзимизнинг ёруғ бўлиши учун меҳнатимиз ва куч-ғайратимизни аямаймиз.

Муртазо СУЛТОНОВ,
республика халқ таълими вазирининг ўринбосари
(«Халқ сўзи» газетасининг 1998 йил 28 июль сонидан олинди.)

ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

Биз педагог-ходимлар баъзан фақат болаларимизни ўйлаймиз. Уларга жон қўйдириб таълим бераётган мураббийларимиз саломатлигини, уларнинг ҳеч бўлмаса 3-4 кун ҳордиқ чиқариб дам олишини ташкиллаштиришни ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Яқинда, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани халқ таълими бўлими мудири Шоҳида Неъматова бошчилигидаги ўқув йили давомида ўзларини кўрсатган илғор ўқитувчи, тарбиячи, мактаб директорлари, боғча мудираларидан 75 киши Тошкент шаҳрида бўлиб қайтишди. Сафар давомида гўзал Тошкентнинг ажойиб санъат ва маданият музейларида, боғларида маданий ҳордиқ чиқариб, жуда катта таассурот олишди. Айниқса, Узбекистон халқ артисти Ҳусан Шариповнинг педагоглар билан учрашуви эсда қоларли бўлди.

Агарда ҳар бир раҳбар ўз ишида талабчанлик билан бирга ликда, ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига ҳам эътибор берса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Жамол ФОЗИЛОВ

Ta'lim jonkuyarlari

ҚАДРИМИЗГА ЕТГАН УСТОЗ

Устоз ҳақида нимадир ёзиш нечоғли қийин ва масъулиятли. Назаримда улар таърифи-тавсифи олдида сўз ҳам ожиздек гўё.

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани 16-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нўъмонжон Алимов ана шундай инсонлар сирасидан. Устоз ҳақида ўйлаганда ҳар гал бир воқеа эсимга тушади.

... Биз ўшанда иккинчи синфда ўқир эдик. Синфдошларимиздан бири – Назиранинг бетоблиги ҳақида хабар олдик. Орадан бир кун ўтгач, устозимиз тўрт ўқувчини Назирани кўргани юбордилар ва биз синфдошимизнинг саломатлигини билгач, ўтилган дарслар ҳақида ҳам қисқача гапириб бердик. Кейинги куни дарсдан сўнг яна тўрт киши Назираларнинг маҳалласига йўл олдик. Балки бир-биримизни йўқлаш, оғир дамларда суянч бўлиш, қолаверса, инсонни эъзозлаш ана шу йилларда шаклланган бўлса ажаб эмас. Агар домла ўшанда бир-биримизни қадрлаш лозимлигини, инсон—инсонга ғанимат эканлигини уқтирмаганларида эҳтимол бугунгидек иноқ, аҳил бўлмасдик.

— Бола қизиқувчан бўлади, - дейди Н. Алимов, — ана шу қизиқувчанлик, ҳатто дунёвий билимларга қизиқиш айнан бошланғич синфда ўқиётган йиллари шаклланади. Ўқувчи сизга савол беришдан тортинмаслиги керак, шунинг баробарида сиз ҳам уни қизиқтирган ҳар бир соҳани эътиборсиз қолдирмаслигингиз лозим. Шунда бола ўзига талабчан, изланувчан бўлади, ундаги иқтидор бўй кўрсатади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастур»и ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилгандир.

Кечагидай ёдимда. Биз ҳатто партада қандай ўтиришни ҳам билмайдиган болалар биринчи синфга йиғилгандик. Домла синфдошимиз Исломнинг симдан ясалган тракторини топиб олдилар. Ҳаммамизнинг нигоҳимиз ўша томонга қадалган. Исломни жазо кутаётган эди-да! Ахир уйда номаъқул иш қилганда жазоланишга ўрганиб қолган эдик. Бироқ домла бундай йўл тутмадилар, ҳатто койимадилар ҳам. «Тракторни яхши ясабсану, ғилдираклари бир оз ўхшамай қолибди. Уйга боргандан кейин аввал дарсингни қил, сўнгра ана шу камчиликларни тузат, хўпми?!»

Ислом ясаган сим трактор барчамиз учун мўъжизадек туюлди, гўё. Ўша кундан эътиборан ҳаммамизда ижодкорлик, ўз устида ишлаш, масъулият деган теран туйғулар ниш ура бошлаган бўлса не ажаб. Балки устоз бизнинг илк меҳнатимиз — сим тракторлару латта қўғирчоқларимизни қадрламаганларида, бизни ижодкорликка рағбатлантирмаганларида, балки шогирдлари орасида Маъмуржон Аракуловдек муҳандислар, Мўмин Бегматов, Солия Сувонқулова, Фарида Юсуповадек ўқитувчилар, Ҳалима Содиқовадек саломатлигимиз посбонлари, Насиба Рўзиматовадек олималар чиқмасди, эҳтимол.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
журналист

«Спектр минтақавий телевидение». Бу ибора алоқа ходимлари орасида эндиликда тез-тез тилга олинадиган булиб қолди. Фан ва техниканинг янги ютуғи сифатида юзага келган бундай алоқа техникаси ишлаш усулларини тадқиқ этишда Тошкент электротехника алоқа институтининг профессори, техника фанлари доктори Ю.Саъдуллаевнинг

ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯНИНГ ЯНГИ АЪЗОСИ

хизматлари катта бўлмоқда.

Олим шу соҳада изланишлар олиб бориш жараёнида мазкур алоқа тизимини фазовий аппаратларнинг бир-бирига яқинлашиши ҳамда туташиши билан боғлиқ қатор муҳим илмий ишларни ҳам амалга оширди. Бу самарали тадқиқотлар информациология ва табиий фанлар назарияси ҳамда амалиётини урганишда муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳам таниқли олим Ю.Саъдуллаев халқаро информатизациялаш академиясига яқинда яқдиллик билан ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

А. АЛИЕВ

ОЗОД ЮРТНИНГ ЭНГ ЁШ ГРОССМЕЙСТЕРИ

Istiqlol farzandlari

(Боши 1-бетда)

Адашмасам, 2-синфда ўқиб юрардик (1987й). Мактабимизга ўн бир марта Ўзбекистон чемпиони, рекордчи, шахмат спорт устаси Александр Грушевский тасодифан келдилар.

— Ким шахматга қизиқади, - сўрадилар у киши синф болаларидан. Ҳамма баробарига қўл кўтаргач, саралаш ўйини бошланиб кетди. Ўйинлар охирида мен ва яна бир ўртоғим қолдик (У ҳозир Исроилда яшайди.) Шундан кейин шахматга қизиқишим ортди. Шу йилдан бошлаб 41-мактаб қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шахмат тўгарагига қатнаша бошладим. Шахматга доир китоблар ўқишга киришдим.

—Ҳаётингиздаги ёдда қоларли ўйинларни қачон ва қаерларда ўйнагансиз?

— 1989 йил Тошкентда ўтказилган чемпионатда иккинчи ўринни эгалладим. 1990 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилган ўйинларда Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 1992 йил Катарда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кадетлар ўртасида 5 - ўринни қўлга киритдим.

1993 йилда Словакиядаги шахмат бўйича дунё биринчилигида тажрибасизлигим билинди. Ушанда 20-дан ҳам қуйи ўринни эгалладим. Шу йил Испанияда бўлиб ўтган шахмат бўйича дунё ўсмирлар олимпиадасида мамлакатимиз жамоаси 5-ўринни, мен эса 3-ўринни олишга муваффақ бўлдим. 1994 йилги Венгрияда ўтган дунё чемпионатида менга 3-ўрин насиб этди.

1995 йил Бразилиядаги дунё ўсмирлари чемпионатида 3-ўринни олдим.

— Шахмат амалиётидаги энг муваффақиятли йилингиз?

—1997 йил мен учун ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлди. Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда бир неча ўйинларда ғолибликни қўлга киритдим. Яна шу йили августида халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлдим. 1997 йил 2 октябрь куни Президентимиз И.А Каримов менга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони бериш тўғрисидаги Фармонга имзо чекканлари ва совға сифатида компьютер тақдим этганликлари ҳаётимнинг энг унутилмас кунларидан бўлиб қолади. Бу юксак эътибор учун мен Президентимиз ва халқимиз олдида ҳали кўпдан-кўп қарздорман.

— Марказий Осиёнинг энг ёш Халқаро гроссмейстери, яъни, Сиз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Мен бош вақт сўзини қабул қилолмайман. Негаки, кундалик режамда вақт ортиб қолмайди. Катта тажриба орттириш учун кучли шахматчилар билан ўйинлар ўтказаман. Йилида 3-4 марта факультет ва университетимизда талаба ва домлалар билан сеанс (бир вақтда 20—25 киши билан ўйнаш) ўйинлари ўйнайман. Ўз ўйинларимни қайта кўриб чиқиб, хаталаримни аниқлайман.

Дебютлар назарияси билан шуғулланаман. Ўйинлардан сўнг инглиз мумтоз адабиёти (аслияти)дан асарлар ўқийман. Ҳозир француз тилини ўрганишга киришдим. Югуриш билан шуғулланаман.

— Мамлакатимизда айни пайтда шахматни ривожлантириш учун сизнингча нималар қилиш керак?

— Ўзбекистон шахматчилари терма жамоаси дунёдаги энг кучли жамоалардан ҳисобланади. Аммо ёш шахматчилар йўқ. Юртимизда атиги 30-35 нафар рейтенгли шахматчи бор, холос. Бу жуда кам.

Мамлакатимизда шахматни ривожлантиришнинг бирдан бир йўли — кўпроқ ёшларимиз ўртасида шахмат мусобақалари, турнир ва чемпионатлар ўтказиб туриш керак. Уларни шу йўл билан қизиқтириб, шахмат дунёсига олиб кириш мумкин.

— Яқин-олисдаги режаларингиз?

— Бу йил бошида яхши натижаларга эришгандим. Февраль-май ойларида иш чаппасига кетди. (Шахматда бунақаси тез-тез бўлиб туради). Июнь ойида дунё биринчилиги учун саралаш мусобақаларининг Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган минтақавий ўйинларида биринчиликни қўлга киритдим. (23 ёшли қозоқ йигити, халқаро гроссмейстер Концурс иккинчиликни олди). Энди декабрь ойида бўлиб ўтадиган дунё биринчилигида қатнашишга тайёргарлик кўряпман.

Қолаверса, Элиста шаҳрида (Қалмиқия) сентябрь ойида буладиган олимпиадада Ўзбекистон терма жамоаси таркибида яхши натижаларга эришишим керак.

—Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: Норали ОЧИЛОВ
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: биз суҳбатни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидан яна бир хушхабар олдик. Унга кўра, куни кеча қўмита раиси Баҳодир Махситов Рустам Қосимжоновга юртимиз шуҳратини дунёга танитаётганлиги ва шахматдаги мислсиз ютуқлари учун пойтахтдан уч хонали уй калитини совға қилди. Бу ҳам мустақил юртимизда исътедодли ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир нишонидир.

Xullas...

КАМПИРНИНГ САНДИҒИДАГИ «ХАЗИНА»

Тамбов вилоятининг Донское қишлоғида яшовчи 74 ёшли кампирнинг уйи қурол-яроғ сақланадиган омбор бўлиб кетган экан. Милиция ходимлари ҳайрон. Улар кампирнинг бундай ишлар билан шуғулланишига ишонишмади. Кампирнинг сандиғини титишганда, бир неча қурол -аслаҳалар ва чет элда ишлаб чиқарилган милтиқ, шунингдек, патронлар топилди. «Тамбов ҳаёти» газетасининг ёзишича, ушбу топилмалар «Комсомолец» акционерлик жамиятида ишловчи слесарники. У буларни кампиршога сақлаш учун бериб қўйган.

ЧУДОВ ЧУДОВО ШАҲАРЧАСИДА

Хабаровск пединститутининг талабаси Виталий Чудов узоқ муддатлик, яъни 5 йилга мўлжалланган саёҳатни ихтиёр этди. У Новгород ва Санкт-Петербург оралиғида жойлашган Чудов шаҳарчасига етиб келди. Ҳозиргача 52 минг километр масофанинг 16 мингини босиб қўйди. Елкасига рюкзак осган бу саёҳатчи Чита, Красноярск, Омск, Тюмень, Киров, Архангельск, Вологда, Новгород, Санкт-Петербургда бўлди. Унинг кейинги саргузаштлари шимолий кенгликлар – Мурманск ва Яхтада, атлантика океанидан сузиб ўтишда. Чудовнинг мақсади Шимолий Канадада бўлиб, жонажон Узоқ Шарқига қайтиш.

ЭНГ «ЯШИЛ» ПРЕЗИДЕНТ

Адигей президенти Аслан Жаримовни кўпчилик «яшил одам» деб атай бошлашди. Йўқ, у яшил кийимда эмас. Балки табиат ишқибози бўлгани учун шундай лақаб орттирди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган танловда Россия экологлар иттифоқи уни ғолиб деб топди.

Аслан Жаримов айниқса, ҳамма билган Сочи курорт шаҳарчасини яшилликка буркаш бўйича ўз ғояларини амалга оширган. Ажойиб ландшафтларни сақлаб қолиш, экологик туризмни ривожлантириш «яшил» президентнинг азалий орзуси.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ҚИЗИҒИ ЭНДИ БЎЛАДИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати биринчи табақа жамоаларининг оралиқ маррадаги танаффуслари тугади. Жамоалар янги куч-ғайрат билан 2-давра ўйинларини бошлаб юборишди.

ЁШ УСТА СПОРТЧИЛАР

Олимпия шон-шуҳрати музейида Москвада ўтган биринчи Жаҳон ўсмирлар ўйинларининг ғолиби Д.Мансуров, кумуш медал совриндорлари Ж.Абдураҳмонов, С.Наврўзов, Р.Эргашева ва бронза медали соҳиби И.Тўлагановаларга «Халқаро тоифадаги спорт устаси» унвони топширилди.

ҲАР ЖИҲАТДАН УСТУНЛИК

Тошкентда каратэ бўйича Марказий Осиё кубоги якунланди. Минтақанинг 450 га яқин донгдор спортчилари иштирок эттан бу мусобақада каратэчиларимиз 44 та олтин медални қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи бўлишди.

ҲАНУЗГАЧА УЛАР ЗЎР

Жаҳоннинг кучли теннисчиларининг шу кунгача бўлган тасниф жадвали аниқланди. Уни ҳамон эркаклар ўртасида америкалик Пит Сампрас ва аёллар ўртасида швейцариялик Мартина Хингис бошқариб боряпти.

ХОТИРАДА 11 АВГУСТ...

11 август куни Янгиер шаҳрида«Пахтакор-79» хотира турнирининг финал учрашуви бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» — «Янгиер», «Хоразм» — «Нефтчи» жуфтликларининг ғолиблари ўзаро беллашади.

МУАММОНОМА

Азиз муштарийлар! Аввал қуйида таърифланиб, рақамларда ифоланган сўзларни топиб «очқич»ни ечинг.

1. Спорт майдони ва ишқибозлар учун ўриндиқлари бўлган катта иншоот - 6,8,1,4,2,11,3.
2. Оғир атлетика анжоми - 15, 8, 1,3,14,1.
3. Тўп билан ўйналадиган спорт ўйини - 14, 1, 3, 4, 5, 11, 9.
4. Тоғнинг энг баланд тик қисми - 10, 11, 12.
5. Ҳар бир соҳада зафарга эришиш учун бўлган зарур иштиёқ - 16, 1,13, 7, 1, 8.



Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан табобат илмининг бобокалони, қомусий аллома Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган ҳикматлардан бири аён бўлади.

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Ko'ngil bitiklari

СОҒИНДИМ

Она юртим хуш манзара боғларингни
соғиндим,
Булутларга туташ бўлган тоғларингни
соғиндим.
Қир-адирда қий-чувлашиб, сакраб
анҳор қирларда,
Яланг оёқ тупроқ кечган чоғларимни
соғиндим.
Соғинганман тоққа чиқиб лола терган
дамларни.
Билмаганман севги нима, ташвиш
нима, ғамларни.
Қўлга челак кўтарганча, булоқ томон
югуриб
Унутганман бир зум ўтмай қалбдаги
аламларни.
Қани эди, ўша дамлар яна такрор
келсайди,
Ғам-ташвишсиз бахт шамоли
бошгинамдан елсайди.
Қўшработнинг осмонида юлдуз бўлиб
порлардим,
Не гуноҳим бўлса барин оллоҳим
кечирсайди.

***

Дунёга келдингу нима иш қилдинг,
Кимни эъзозладинг кимга бахт бердинг.
Кимнидир йиғлатиб ҳижрон аламда,
Кимнинг насибасин ҳовучлаб тердинг.

Бу ҳаёт, яшаймиз тиним билмайин,
Гоҳида дунё тор кўринар кўзга.
Бир илинж тополмай қалбга гоҳида,
Зор бўлиб ўтамиз гоҳ ширин сўзга.

Қалбимизда орзу, умидлар бисёр,
Бисёрдир дунёнинг минг хил ғавғоси.
Кимнингдир бахтига чанг солганлар бор,
Уларга босилсин оллоҳ тамғаси.

Қандолат ШИРИНОВА,
ўқитувчи

МУАЛЛИМЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Яқинда Андижон шаҳридаги «Ёшлик» ўйингоҳида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти раёсатининг ташаббуси билан спортнинг минифутбол тури бўйича вилоят биринчилиги финал мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда Андижон шаҳар халқ таълими касаба уюшмаси жамоаси 1, Марҳамат тумани 2, Олтинкўл тумани 3-ўринни қўлга киритди.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

1998 yil — Oila yili

МУАЛЛИМНИНГ ОИЛАВИЙ ДАСТАСИ

Талабалик йиллари эди. Вилоятнинг қайси бир туманидаги жамоа хўжалиги далаларидан бирида пахта теряпмиз. Тушки пайт кечқурун хўжалик клубида институт бадиий ҳаваскорлар гуруҳининг концерт бериши ҳақида хабар қилинди. Кечқурун клуб талабалар билан лиқ тўлган. Саҳнада ҳаваскор талабалар ижросида қўшиқ ва рақслар ижро этила бошлади. Икки-уч ижрочи саҳнада ўз қўшиқларини намойиш қилди.Ғала-ғовур билан бошқарувчининг кимнинг чиқишини эълон қилганидан хабарим йўқ, саҳнада ҳамқишлоғим пайдо бўлди.Истараси иссиқ, қорачадан келган, қошлари туташ, доимо майин табассум билан боқувчи Аслон ака Чўлиев саҳна ўртасида туриб, Алишер Навоий ғазали билан «Гўлзорим» қўшиғини хониш қиларди. Бинодаги шовқин-сурон тинганди. Қўшиқ тугагач, шундай гулдурос қарсаклар бўлдики... Иккинчи қўшиқ, учинчи, тўртинчи... Янграётган қўшиқлар мухлислар эътиборини ўзига тортган. Томошабинлар қўшиқ сеҳридан сармаст эди...

Аслон ака мактабни тугатгач, Бухоро педагогика (Ҳозирги БухДУ) институтининг мусиқа ва тасвирий санъат бўлимига ўқишга кирди. Талабалик йилларида институт бадиий ҳаваскорлар гуруҳида фаол иштирок этди.

Олийгоҳни 1969 йилда тугатгач, то 1993 йилга қадар Ф.Ҳўжаев ва Муқимий номли мактабларда мусиқа фанидан сабоқ берди. Ўқувчи-ёшларни санъат олами билан таништирди. Мактабда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этди. Унга санъатга иштиёқманд, қобилиятли ўғил-қизларни жалб қилди. Ҳар бирининг овозини, рақс ҳаракатини текшириб, ўз овози билан қўшиқ қўйлашга, бировнинг овозига тақлид қилмасликка ўргатди. Натижада тўгарак аъзолари туман, вилоят кўрик-танловларида қатнаша бошлади.

Шогирдлар орасидан истеъдодлилари ажралиб чиқиб, улар катта санъатда ўз йўлини топди. Шогирдларидан бири Соат Шарипов. Мактабда Соат Шарипов «Шофёрлар» қўшиғини устозидан ўрганиб, туман, вилоят ва республика қўшиқ танловларида қатнашди. Соат Шарипов санъатдаги йўлини давом эттириб, санъат олийгоҳида таҳсил олди. Ўз навбатида санъатдаги ўз йўлини кашф этди.

Аслон ака санъат йўлида ҳамиша изланади. Шундан бўлса керак, 1993 йил Аслон ака оилавий гуруҳ ташкил этди. Гуруҳ аъзолари — фарзандлари, Ҳаёт – Бухоро санъат техникумининг халқ чолғу асбоблари бўлимини битириб, тумандаги 48-мактабда мусиқа ўқитувчиси, Асқар — шу техникумнинг доирачилар бўлимини тугатиб, туман болалар ва ўсмирлар уйида тўгарак раҳбари, Акмал-миллий чолғу асбоблари чалишни отасидан ўрганган, новвой, Нурали, Машҳура, Гулшандалар — турли касб эгаларидир.Оилавий гуруҳ Шаҳрисабзда оилавий ансамбларнинг республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашди. Кейинги йилларда ўтказилган «Ўзбекистон – ватаним маним» кўрик-танловларининг фаол иштирокчиси. Шу кунларда ансамбл оила йили муносабати билан алоҳида дастур асосида тайёргарлик кўряпти. Биз эса Аслон акага ишингизга ривож муаллим, дея ният билдирамиз.

Турсун ЯРАШЕВ
Ғиждувон тумани
Кўкработ қишлоғи

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Рустам БОЙМАТОВ,
Норали ОЧИЛОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0251. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.00. Г. 123456